



Tadqiqot **UZ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**No13**  
29 февраль

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 13-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
13-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН  
КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-1**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN 13-MULTIDISCIPLINARY  
ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND  
PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2020**

УЎК 323(575.1)(063)  
КБК 66.3(5Ў)я43  
Й-18

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 13-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 29 февраль 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 273 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -  
*Юсувалиева Раҳима - профессор в.б., ю.ф.н., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети*
2. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -  
*Маматова Нодира Мухтаровна - т.ф.д., доцент, Тошкент давлат стоматология институти*
3. Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни -  
*Вохидова Мехри Хасанова - PhD, Тошкент давлат шарқшунослик институти*
4. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар -  
*Тошбоева Барноҳон Одилжоновна - Андижон давлат университети*
5. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -  
*Норматова Дилдора Эсоналиевна - доцент, Фарғона давлат университети*
6. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -  
*Абдуматжидова Дилдора Раҳматуллаевна - PhD, Тошкент Молия институти*
7. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -  
*Чариев Турсун Хуваевич - доцент, Ўзбекистон давлат консерваторияси*
8. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни -  
*Уринбоев Хошимжон Бунатович - с.ф.н., доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти*
9. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -  
*Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич - доцент, Наманган муҳандислик-қурилиш институти*
10. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -  
*Бобохонов Олтибой Раҳмонович - Сурхандарё вилояти техника филиали*
11. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -  
*Сувонов Боймурод Ўралович - доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*
12. Физика-математика фанлари ютуқлари -  
*Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич - доцент, Наманган муҳандислик-технология институти*
13. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -  
*Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович - PhD, доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*
14. Кимё фанлари ютуқлари -  
*Раҳмонова Доно Қаҳҳоровна - Навоий вилояти табиий фанлар методисти*
15. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -  
*Тоштемиров Отабек Абидович - Фарғона политехника институти*
16. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -  
*Йўлдошев Лазиз Толибович - Бухоро давлат университети*

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси  
© Tadqiqot.uz

<b>16.Абдуҳалим Жамилов</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАН Фойдаланиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик.....	50
<b>17.Давронбек Маматкаримов</b> КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	53
<b>18.Саломов Азимжон, Ибрагимова Шоира</b> ДЕМОКРАТИК - ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИ - СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ.....	55
<b>19.Умаров Жонибек Отабек ўғли</b> СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ И СОЦИАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ДЕМОКРАТИЧЕСКОМ РЕГУЛИРОВАНИИ СТРАНЫ.....	57
<b>20.Қушбоқов Шохрух</b> АЛИМЕНТ. АЛИМЕНТ ТУЛАШ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ.....	59

### ФАЛСАФА ВА ҲАЁТ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

<b>1.Davron Ergashev Ulug'bek o'g'li</b> ALISHER NAVOIY DILARDA BARHAYOT SHOIR.....	61
<b>2.O'smonjonov Muxammadisxoq, Sobirova Fotima</b> O'ZBEKISTON YOSHLARI KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHADI.....	63
<b>3.O'smonjonov Muxammadisxoq, Sobirova Fotima</b> O'ZBEKISTON YOSHLARI BUZG'UNCHI G'OYALARGA QARSHI.....	65
<b>4. Sapayev Valisher, Jalilov Temur</b> O'ZBEKISTONDA QISHLOQ IJTIMOY INFRATUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING DOLZARBLIGI.....	67
<b>5.А.Комилов, Ш.Тожиев</b> ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	69
<b>6.А.Шакаралиева, А.Комилов</b> СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ - ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.....	71
<b>7.Абдурахмонова Ҳилола</b> ИСЛОМ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДИНИ.....	73
<b>8.Асадова Рухсора Эргаш қизи, Туропова Сабохат Йўлдошевна</b> ЖАМИЯТ ВА ЁШЛАР ТУШУНЧАЛАРИНИНГ УЙФУНЛАШУВИ.....	75
<b>9.Хайдарова Nargiza</b> АХВОРОТ МАДАНИЯТИ ВА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ О'ЗARO BOG'LIQLIGI.....	77
<b>10.Равшанов Алишер Сайдуллаевич</b> ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛИШИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	79
<b>11.Рашидов Отабек,</b> БАРКАМОЛ АВЛОДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	81



## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛИШИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

**Равшанов Алишер Сайдуллаевич**  
**ТИҚХММИ катта ўқитувчиси**  
**Телефон: (90) 997-82-21**

*Анотация: Ёшларни маънавий онгини ўсишида китоб ўқишни аҳамияти, ёшлар дунёқарашига маънавият тушунчаларини сингдириш орқали уларнинг эътиқодини мустаҳкамлаш масалалари ушбу мақолада акс эттирилган.*

*Калит сўзлар: маънавият, китоб, эътиқод, ахлоқ, тарбия, ғоя, мафкура, миллатпарвар, ватанпарвар, тараққиёт.*

Ҳар бир миллат ўз келажagini барпо қилар экан энг асосий масала яъни ёшларнинг маънавияти, камолоти, билим ва кўникмаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимиз Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунё қарашини бойитиш энг асосий масалалардан бирига айланди. Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бундай натижаларга эришишнинг энг самарали йўлларида бири бу китобхонликдир. Кутубхоналар фаолиятдан кенгроқ фойдаланиш, китоб ўқиш ёшлар дунёқарашини юксалтиришини, ёшларга руҳий- маънавий озиқа беришини барчамиз яхши биламиз. Шундай экан инсоннинг ўзи ҳаракат қилиб, қизиқиб англаган ҳақиқат, ғоя унинг ҳаётига кучли таъсир кўрсатади. Сиёсий мавзулардаги китобларни мустақил мутолаа қилиш мустақил фикрлаш, у ёки бу масалага танқидий, таҳлилий ёндашувга ўргатади, китобхонга турли нуқтаи назарларни бир-бирига солиштириш, далилларнинг қанчалик ишончли эканлигини қайта-қайта текшириш, ўзининг ва муаллифларнинг нуқтаи назарларини муқояса қилиб, миллат ва ўзи учун фойдали хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Ёшларимизни маънавий онгини ўсишида китоб ўқиш алоҳида аҳамиятга эга. Тўғри, хх-асрнинг сўнгига келиб маънавиятни юксалтиришнинг анъанавий, қадимий воситаси - китоб бир оз ўз аҳамиятини йўқотгандай бўлди. Лекин, бу янглиш фикр. Чунки, тажрибалар кўрсатишича, китобнинг шундай ғоявий тарғибот имкониятлари борки, улар бошқа воситаларда учрамайди. Масалан: радио-телевидение кўзга ва қулоққа таъсир қилади. Образлар орқали кўрсатади. Биринчидан, у томошабиннинг хоҳишига, интеллектуал, руҳий тайёргарлигига боғлиқ эмас; иккинчидан, томошабин тушунмаган жойини такроран кўра олмайди; учинчидан, ўзи билан олиб юриб у ёки бу манзилда, вақтда мурожаат қила олмайди, бирор ғоя, фикрнинг мағзини чақиш учун белгилаб, иқтибос олиб, таяниб бўлмайди. Бу имкониятларнинг барчаси китобда мужассам.

Ана шунинг учун ҳам китоб маънавият ташвиқотининг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолаверади. Шундай экан, ёшларимизда китоб ўқиш маданиятини шакллантириш долзарб педагогик вазифага айланади. Кутубхона - миллатнинг энг яхши, илмсевар фарзандлари ихтиёрий равишда илм истаб келадиган даргоҳидир. Шу сабабли мактаблар, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда китобхонларнинг фаол, ташаббускорларини тўплаб, улар билан "Ёшлар ва миллий тараққиёт" мавзусида тўгараклар ташкил қилиш мумкин. Мавзунинг асосий ғояси ҳар бир авлод учун муқаддас қадрият - ўз ота - боболари яратган бой тажрибани ўрганиш, ўз ақли, меҳнати ва ғайрати билан миллат шарафини юксалтириш бўлмоғи керак. Мақсад китобхон ёшлар дунёқарашига маънавият тушунчаларини сингдириш орқали уларнинг эътиқодини мустаҳкамлашдир.

Маънавияти мустаҳкам ёшлар қандай бўлмоғи керак? уларни бошқа лоқайд, бепарво тенгдошларидан қайси фазилатлари ажратиб туриши керак? Маънавияти юксак Ўзбекистон ёшларида мустаҳкам эътиқод билан ўзларини ҳам, аτροφдагиларни ҳам мафкуравий лоқайдликдан олиб чиқиш учун зарур билим, фазилатлар, ички ва ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши фидойилик билан ҳар куни, ҳамма жойда фаол курашга тайёрлик характерида миллатпарварлик, ватанпарварлик, ҳар бир ҳодиса, воқеага миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қараш каби сифатлар кўриниб туради. Бунинг учун ёшларни босқичма-босқич мафкуравий тортишувлар майдонига олиб кириб чиниқтириш керак бўлади.

Мафкураси мустаҳкам ёшларнинг зидди - лоқайд, бепарқ ёшлардир. Танқид қилинмаган иллат кўпаяди. Шу сабабли лоқайд, бепарқ ёшларни танқид қилишга қаратилган ҳар қандай иш ёшларнинг маънавий тарбиясидаги ролини, аҳамиятини янада оширади. Ёшларга китобни ғоявий таҳлил қилиб



ўқишни ўргатиш керак. Айниқса, ижтимоий-сиёсий асарларни таҳлил қилишда, кўпинча назарий ёндашувлар учраб туради. Натижада ўқувчи ёшлар назарий даражада бирор ғоя, ижобий қаҳрамонни қизгин ёқласаларда, кўчада, амалий - ҳаётий вазиятларда ўзлари билмаган ҳолда зид ҳатти ҳаракатлар қилиши мумкин. Нега шундай бўлади?

Ёшлар китобхонлиги, агарда устоз ёки кутубхона ходимлари, ота - она томонидан рағбатлантириб, бошқариб турилмаса, олган ижобий билимлар назарий даражада қолиш хавфи бўлади. Чунки уларда шахсий мулоқот, жамоада яшаш тажрибаси, қиёслаб таҳлил қилиш малакалари етишмайди. Шу сабабли маънавиятимиз, миллий қаҳрамонлармиз, улуғ сиймолармиз ибратлари ҳозирги ёшлармиз ҳаётида ҳар кунини намоеён бўлиши учун устоз, кутубхона ходимлари орасида ҳамкорлик тақозо этилади. Ана шунда китобдан ўқилган ғоя моҳияти ёшлар хулқ - атвори орасига кўприк қўяди. Билим ва унинг амали туташади. Масалан, Она ҳақида бийрон шеър ўқиб, уйда эса онасига дағаллик қилиш ёки Ватан ҳақида иншони дўндириб, лекин кундалик ҳаётда уни қандай севишни билмаслик ҳоллари бартараф бўлади. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У ўсмирлар китобхонлигининг катталар китобхонлигидан фарқ қилишига оид салбий мисолларни ҳам кўрсатади. Гап ўсмирларнинг китоб қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишлари ҳам мумкинлиги ҳақида кетмоқда. Масаланинг долзарблиги ҳозир кенг тарқалган детектив адабиётлар дунёсида янада ошади. Ёшлар ўзларига ёққан қаҳрамонларнинг барча хатти - ҳаракатларини маъқуллайдилар, ёқтирадилар, оқлайдилар. Чунки уларда тақлид, таъсирланиш кучли. Кучли руҳий таъсирланиш бош мия ярим шарларидан айри, "маслаҳатлашмай" содир бўлади. Натижада ёшлар жиддий хатоларга ҳам йўл қўядилар. Китоб таъсиридаги ўткинчи иштиёқ туфайли содир бўлган айрим тарихий мисоллар ҳам бор. Бунга машҳур француз адиби Жюль Верн ўсмирлигида Д.Дефонинг "Робинзон Крузо" асари таъсирида саргузашт қидириб, уйдан қочиб кетганлигини келтириш мумкин. Хуллас, детектив китоблардаги ёрқин образ, сюжетлар таъсирида ёшларда пайдо бўлувчи ўткинчи иштиёқ уларни баъзида асосий вазифалари - ўқиш, меҳнатдан чалғитиши ҳам мумкин экан. Ана шунинг учун ҳам олий ўқув юртли ва кутубхоналар ўзаро узвий миллий тарбиявий ҳамкорликда ишлаб, "маънавиятни" тараннум этишга, ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлигига қарши курашиб, баҳс мунозара, тақлид ва таҳлиллар орқали мафкуравий муҳитнинг соғлом бўлишига хизмат қилишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори.
2. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ? институти нашриёти, 2007 йил. - 229 бет.
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари : Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. - 448 б.
4. Комилов Н. Комил инсон - миллат келажаги.- Т.: Ўзбекистон, 2001.47 б.

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"**  
**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 13-КЎП ТАРМОҚЛИ**  
**ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(1-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

Эълон қилиш муддати: 29.02.2020

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000